




## ORIENTAL JOURNAL OF ECONOMICS, FINANCE AND MANAGEMENT

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojefm>



### METHODOLOGICAL DIRECTIONS FOR ORGANIZING AND IMPLEMENTING FINANCIAL CONTROL IN BUSINESS ENTITIES

**Nadir Nazarovich Khakimov**

*PhD, researcher*

*TSUE*

*Tashkent, Uzbekistan*

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** In our country, foreign capital, foreign state, state control, state financial control, methodology, finance, financial system, public finance, enterprise finance, methodology, methodology, strategy, financial control, control, money, funds, financial audit, responsibility, financial responsibility.

**Received:** 14.03.25

**Accepted:** 16.03.25

**Published:** 18.03.25

**Abstract:** The form and types of financial control follow from the essence of finance. Financial control is carried out in accordance with the financial control function. State financial control plays a major role in this regard, but it also acts as a link of finance in economic entities. However, the application of the principles and methods of state financial control in business entities has its own characteristics. Most links are implemented primarily as state. This article discusses methodological issues of organizing and implementing financial control in business entities.

### ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Нодир Назарович Ҳакимов**

*ТДИУ мустақил тадқиқотчиси*

*иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Тошкент, Ўзбекистон*

#### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** давлат, давлат назорати, давлат молиявий назорати, методология, молия, молия тизими, давлат молияси, корхона молияси, методика, методология, стратегия, молиявий назорат, назорат, пул маблағи, пул фонdlари, молиявий текширув, жавобгарлик, молиявий жавобгарлик.

**Аннотация:** Молиявий назоратнинг шакли ва турлари молиянинг ўзгидан келиб чиқади. Молиявийнинг назорат функциясига мувофиқ равишда молиявий назорат амалга оширилади. Давлат молиявий назорати бу борада асосий роль ўйнасада, аммо, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам молиянинг бир бўғини сифатида амал қиласди. Хўжалик юритувчи субъектларда давлат молиявий назоратидаги тамойиллар ва усуслар

қўлланилсада, бироқ, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. аксарият бўгини асосан давлат шаклида амалга оширлади. Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил қилиш ва амалга оширишнинг методологик масалалари ёритилган.

## МЕТОДИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОРГАНИЗАЦИИ И ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ

**Надир Назарович Хакимов**

*PhD, соискатель*

*ТГЭУ*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** государство, государственный контроль, государственный финансовый контроль, методология, финансы, финансовая система, государственные финансы, финансы предприятия, методология, методология, стратегия, финансовый контроль, контроль, деньги, денежные средства, финансовый аудит, ответственность, финансовая ответственность.

**Аннотация:** Форма и виды финансового контроля вытекают из сущности финансов. Финансовый контроль осуществляется в соответствии с функцией финансового контроля. Государственный финансовый контроль играет в этом отношении главную роль, но он также выступает связующим звеном финансов в хозяйственных субъектах. Однако применение принципов и методов государственного финансового контроля в хозяйствующих субъектах имеет свои особенности. Большая часть ссылок реализована преимущественно в виде состояния. В данной статье рассмотрены методические вопросы организации и осуществления финансового контроля в хозяйствующих субъектах.

### Кириш

Молия тизимида молиявий назорат сарфланган маблағларнинг мақсадли, манзилли ва самарали фойдаланишни таъминлашнинг молиявий усуслари сифатида у худди молия бўғинлари сингари турли хил даражада амалга оширилади. Юқорида аннотация қисмида таъкидлаганимиздек, молиявий назорат давлат, хўжалик юритувчи ва уй хўжаликларида ҳам уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, шаклланади, шу билан биргаликда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, кейинги вақтлард ва умумий ҳолатларда молиявий назорат деганда асосан давлат молиявий назорати тушунилган. Тўғри давлат молиявий назорати назорат тизимида бирламчи ва муҳим аҳамият касб этади, аммо, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам молиявий назорат мавжуд бўлиб, уни ҳам давлат, ҳам

хўжалик юритувчи субъектнинг юқори турувчи тармоқ бўйисинуви бўйича субъектлар, жамоат ҳамда баъзи ҳолларда халқаро молиявий институтлар томонидан амалга ошириладики, бундай олиб қаралганда назорат объектлари ҳатто кўлами жиҳатдан давлат молиявий назоратдан кенг муносабатларни қамраб олади.

Аммо, илмий тадқиқотлар кам ўтказилганлиги ва бу масалага илмий жиҳатдан етарлича эътибор берилмаганлиги бу жараёнда уни ташкил қилиш ва амалга оширишнинг методологик муаммоларнинг юзага келишига замин бўлмоқда. Чунки, бунда ўзига хос ёндошувларни тақозо этадики, давлат молиявий назоратидан баъзи ҳолларда тубдан фарқли ёндошувларни ҳам тақозо этади. Демак, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил қилиш ва амалга оширишнинг методологик жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотларга эҳтиёж юқоридир.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил қилиш ва уни амалга оширишнинг методологик муаммоларига жаҳон илмий тадқиқотлар тизими бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, хорижий олимлардан С.Брейден, Дж Филипс, Р.Масгрейв, П.Масгрейв, Д.Родрик, Дж. Сандкуист, П.Самуэльсон, Х.Хэвенс шу кабиларнинг илмий ишлари давлат молиявий назорат билан бирга хўжалик юритувчи субъектларда моливий назоратни ўтказишнинг жиҳатларига эътибор берилган.

Замонавий молиявий назоратнинг методологик муаммолари билан шуғулланган олимлардан О.Владимирова, В.Бурцев, О.Геймур, С.Степашин, А.Ябулгановларнинг илмий тадқиқотларини келтириш мумкинки, бу илмий тадқиқотларда ҳам хўжалик юритувчи субъектлардаги молиявий назоратнинг айрим жиҳатлари ёритилган. Собиқ иттифоқ даврида молия ва молиявий назоратнинг турли жиҳатлари хусусида илмий тадқиқотлар олиб борган М.Азарский, В.Белолипецкий, В.Бурцев, М.Родионова, В.Шлейников, А.Ялбулганов, С. Анников, Р.Палочкин, А.Александров, Д. Аллахвердян, Э.Вознесенский, И. Белобжецкий, Н.А. Ковалевалар хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратнинг айрим методологик масалаларига оид илмий ёндошувларни кўриш мумкин.

Жумладан, А.Александров, Д.Аллахвердян собиқ иттифоқ молия тизимида давлат ва хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил этишининг услубий жиҳатларини кенгроқ тадқиқ этган бўлса, О.Владимирова, В.Бурцев, О.Геймурлар турли даражадаги шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий назоратининг хуқуқий аспектларига эътибор қаратган.

Т.Маликов, О.Олимжонов, Б.Хусанов, Х.Джамалов, У.Бурханов, Б.Туроповлар Ўзбекистон молия тизимида молиявий назоратнинг методологик масалаларига

бағишланган ўқув ва илмий адабиётларида эътибор қаратган. Хусусан, профессор Т.Маликов, О.Олимжонов ўзларининг “Молия” дарслигидаги хўжалик юритувчи субъектлардаги айrim жиҳатлари хусусида ёритган бўлса , X.Джамалов, У.Бурхановлар эса, молиявий назоратнинг, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектларидаги айrim хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтган . Б.Турапов ўзининг “Ўзбекистон республикасида давлат молиявий назоратини такомиллаштириш” деб номланган докторлик диссертация тадқиқотлари доирасида бир қатор методологик масалаларга алоҳида тўхталиб ўтган. , жумладан, республикада “молиявий аудит”ни жорий этиш асосида бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилиши, молиявий ҳисботларнинг ҳаққонийлиги, молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланилгани ҳамда молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолаш тизимининг методологик жиҳатлари тадқиқ қилинган. Бироқ, ушбу илмий тадқиқотларга қарамай бугунги кунда молия тизимида хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташил қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ илмий-амалий методологик муаммоларнинг ечимларига бағишланган илмий тадқиқотларга эҳтиёж юқориличиша сақланиб қолинмоқда.

### **Тадқиқот методологияси**

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назорат методологиясини тадқиқ этишда илмий тадқиқот методологияси доирасида кўп қўлланилиб келинадиган тадқиқот усулларидан кенг фойдаланилишни тақозо этади. Хўжалик юритувси субъектларда молиявий назорат методологиясини тадқиқ этишда дедукцион ёки индукцион, синтез ва таҳлил, гуруҳлаш ва қайта ишлаш, диалектик, абстракт, мантиқийлик, таққослама, абстракт-мантиқий фикрлаш ҳамда статистик усулларни қўллаш орқали амалга ошириш талаб этилади ва тадқиқотларда ҳам айнан юқоридаги усуллардан фойдаланган ҳолда ёндошилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил қилиш маълум бир мақсадларни кўзлайди. Биринчидан, давлат молиявий назоратининг дастлабки молиявий назорат шаклида уларни ташкил бўлишида маълум бир молиявий чекловлар (масалан., устав фондига минимал талаблар қўйиш) орқали уларнинг молиявий жавобгарлик масаласини таъминлаш, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларда бошқалар (улушбайлар)нинг манфаатларини ҳимоя қилиш, (мажбурий захира фондларини ташкил этиш орқали уларнинг манфаатларини ҳимоялаш), учинчидан, уларнинг ўзларида молиявий қонучиликка риоя қилиш орқали улардаги ишчи-ходимларнинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш, тўртинчидан, давлат бюджетидан ажратилган субсидиялар (агар ажратилган бўлса) уларнинг мақсадли ва манзилли сарфланганлигини таъминлаш, бешинчидан,

банклардан олинган кредитларни (агар олган бўлса) мақсадли фойдаланганлигини молиявий назорат қилиш орқали банк муассаларининг молиявий ҳукуқларини ҳимоя қилиш, олтинчидан, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий қонунчиликка риоя қилинishiни таъминлаш орқали корхона жамоасининг манфаатларини таъминлаш ва бошқа мақсадларда амал оширилади.

Таъкидлаш керакки бу мақсадлар икки хил умумий мақсадга қаратилган бўлади. Биринчиси бу иқтисодий мақсадлар бўлиб, бунда бошқаларнинг молиявий манфаатлари таъминланса, иккинчиси бу ижтимоий-социал манфаатларни таъминлашга қаратилган бўлади. Чунки, молиявий назоратини ўтказиш орқали назорат обьекти бўлган корхоналар ва у ердаги молиявий жавобгар шахсларни қонунларни бузмасликка, ҳалолликка, бошқаларнинг маблағларини ўзлаштирумасликка, корхонанинг моддий-техник базаси ва бойлигига ўзаро ҳурматда бўлишига ундиади ва зарур ҳолларда мажбурлайди, булар эса моҳиятан унинг социал хусусиятларини тавсифлайди. Бундан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил этиш ва уни амалга ошириш мухим иқтисодий ва ижтимоий заруратдир. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назорат қуидагилар ва қуидаги йўналишларда амалга оширилади.

### Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ўтказувчи органлар ва уларни назорат йўналишлари



## 1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ўтказувчи органлар ва уларни назорат йўналишлари

Юкоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни бир катор органлар ваколатлари доирасида ўтказади ва уларнинг умумий йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Булардан ташқари устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда давлат мулкидан фойдаланишнинг молиявий жиҳатлари, уларда диведентларни ҳисобланиши ва тўланиши ва шу каби йўналишларда Давлат мулкини бошқариш агентлиги томонидан ҳам тегишли молиявий назорат амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиб бўйича ички назорат тизимини жорий қилишга, шунингдек унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чораларнинг амалга оширилиши устидан молиявий назоратни Хисоб палатаси ҳам амалга оширади.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назорат жараёнларида яна бошқа ваколатли органлар ўз ваколатлари доирасида амалга оширади. Жумладан, ғазначилик органлари давлат бюджетидан ажратилган мақсадли маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва нарх мониторинги жиҳатидан молиявий назоратни амалга оширча, фаолияти суғурта хизматлари кўрсатишга мўлжалланган суғурта ташкилотлари (компаниялари) устидан суғуртага оид молиявий назоратни эса Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси томонидан суғурта шартномаларининг қонуний тузилганлиги, суғурта мукофотлари бўйича маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва суғурта товонларининг қонун доирасидаги тўланганлиги ҳамда суғурта ташкилоти бўйича бошқа молиявий қонунчиликнинг тўғри амалга оширилганлиги устидан молиявий назоратни ҳам амалга оширади.


Юкорида келтирилганлардан ташқари таъкидлаш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни божхона ва Марказий банк (ваколати бор тижорат банклари) томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Гап шундаки, корхона ва ташкилотлар ташқи иқтисодий фаолияти давомида импорт ва экспорт операцияларини амалга оширади, бу юзасидан божхона божларининг тўғри тўланиши бўйича божхона органлари томонидан молиявий назорат дастлабки назорат тартибида амалга оширилади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар айнан ана шу импорт-экспорт операциялари давомида валюта операцияларини амалга оширади, уларни кирим қилиш ва улардан қонунда белгиланган тартибда фойдаланиши билан боғлиқ жараёнлар бўйича Марказий банк (ёки тегишли тижорат банки) валютага оид молиявий назоратни амалга оширади. Булардан ташқари корхона ва ташкилотлар фаолияти давомида оффшор зоналарга пул

чиқариш операцияларининг қонунга мувофиқлиги, уларнинг солиқдан қочиш мақсадида ана шундай операцияларнинг ҳаққонийлиги устидан Давлат солик қўмитаси ва Марказий банк тегишли молиявий назоратни ўтказиши ҳам мумкин.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда давлат ва хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни янада шаффоғлигини таъминлаш ва унинг самарадорлигини таъминлаш борасида туб таркибий ўзгаришлар амалга ошириб борилмоқда. Хусусан, илгари Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузурида бўлган Давлат молиявий назорати инспекцияси молиявий назорат соҳасида фаолияти мутлақо қониқарсиз бўлганлиги, фақат камчилик аниқлайдиган идорага айланиб қолгани, профилактика билан эса иши йўқлиги, тизимида коррупция улуши юқорилиги сабабли ушбу тузилма Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ўтказилди. Бунинг асосий сабаби бюджет маблағини тақсимлаш ва уни ҳам назоратини олиб бориш битта тузилма (вазирликда) да бўлиши молиявий назоратни амалга оширишда шаффоғликни таъминлашга тўсқинлик қилганлигидадир, шу боисдан Ҳисоб палатаси ходимлари бюджетдан энг кўп маблағ оладиган 12 та вазирликка бириктириладиган бўлди ва вазирликларнинг ҳар бир харажати улар билан келишилгандан кейин амалга оширилиши белгиланиб қўйилди.

### **Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга оширишнинг методологик йўналишлари**





## 2-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга оширишнинг методологик йўналишлари<sup>1</sup>

Юкорида келтирилган 2-расмда келтирилганидек, агар, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга оширишнинг ушбу методологик йўналишларга амал қилинса, унинг самарадорлиги ошади деб ҳисоблаймиз. Чунки, молиявий назоратни амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектнинг хусусияти, фаолият тури, ихтисослашувидан келиб чиқиб, аниқ методологик йўналишларни белгилаб олмаса, биринчидан, молиявий назорат ўтказишга қонуний чекловлар доирасида олиб борилмайди ва молиявий назорат чала ва сифатсиз бажарилади, иккинчидан эса, молиявий назоратда белгилаб олинган мақсадга тўлиқ эришилмасдан самараси паст бўлади, учинчидан, молиявий назоратда етарлича кўрилмасдан қолган обьектларнинг пайдо бўлишига олиб келинади ва моддий жавобгар шахсларда яна молиявий қонунларга амал қилинмаган ҳолда жавобгарликдан қутулиб қолинади ва уларда қонунларни бузишга мойиллик ошиб боради. Шунинг учун молиявий назоратни амалга оширишда аниқ бир методологияга асосланиш муҳим ҳисобланади.

## 3-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назорат обьектлари

Ушбу расмда келтирилган Xўжалик юритувчи субъектларда молиявий назорат обьектлари қаторига ташқи иқтисодий фаолият бўйича импорт-экспорт операциялари, валюта муносабатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги, суғурта шартномалари бўйича молиявий муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши, корхона ва ташкилотларда пул ювиш ҳолатлари бўйича ҳолатнинг мавжудлиги, солиқ мажбуриятларининг тўғри

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

бажарилганлиги, тақсимланмаган фойда ва (агар давлат улуши бор корхона бўлса) диведентларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва у бўйича корхонанинг давлат бюджети олдидаги мажбуриятлари тўғри бажарилганлиги, корхонанинг контрагентлари тўғри баҳолангандиги ва соликдан қочиш ҳамда пул ювиш мақсадларида қасдан контрагент корхоналар билан сунъий молиявий муносабатлар ташкил қилинганлиги ва шу кабиларни молиявий назорат обьекти сифатида қараш ва таҳлил қилиб ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**3-расм.**



### Хулоса ва таклифлар

Умумий хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, молиявий назорат тизимида корхона ва ташкилотларда молиявий назоратни амалга ошириш мухим босқич ҳисбланиб, унинг шаффофф ва холис ҳамда одилона ўтказилиши молия тизимининг тўлақонли бўлишига ижобий таъсир қиласди.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий назорат ўтказишида юқорида бизлар томонимиздан тавсия этилган методологик ёндошувлар фикримизча қўйидаги афзалликлар ва аҳамиятга эгадир.

**биринчидан**, корхонада пул фондларидағи маблағларнинг тұғри шакллантирилиши ва уларнинг тұғри тақсимланиши таъминланади;

**иккинчидан**, хұжалик юритувчи субъектларда пул оқимларининг тұғри бошқарилишига олиб келади ва уларнинг молиявий қийинчиликларга дуч келиши олди олинади;

**учинчидан**, корхона ва ташкилотларда моддий жавобгар шахсларга нисбатан молиявий жавобгарлайлар бүйича турли хил жазо чораларини құллашнинг олди олинади ва шу жиҳатдан ушбу методология ижтимоий аҳамиятга ҳам әгадир;

**түртінчидан**, хұжалик юритувчи субъектларда молиявий бошқарув самарадорлиги таъминланади ва умумий бошқарувнинг шаффоғлигига таъсир қиласы;

**бешинчидан**, хұжалик юритувчи субъектларда молиявий назоратнинг самарадорлиги албатта үз навбатида давлат молиявий назорат тизимининг соддалашуви ва унинг натижадорлигига ижобий таъсир қиласы.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси”. 2014. Lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Хисоб палатаси тұғрисида”ти қонуни. 01.07.2019 йилдаги ЎРҚ-546-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадлы жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги ижроси тұғрисидаги ҳисобот бүйича хulosаси. 2022 йил.
4. Масгрейв Р.А., Масгрейв П.Б. Государственные финансы: теория и практика: пер. с англ. 5-е изд. М.: Бизнес Атлас, 2009. 716 с.
5. 9. Самуэльсон П. Экономика. Т. 1, 2. М.: Алгон, 1992. 740 с.
6. 10. Бурцев В.В. Государственный финансовый контроль: методология и организация. М.: Маркетинг, 2000. 392 с.
7. 11. Сабитова Н.М. О принципах системности в законодательстве о государственном финансовом контроле // Казанский экономический вестник. 2014. № 6. С. 98–112.
8. Яшина Н.И., Комиссаров А.В., Поющева Е.В. Разработка методологического инструментария оценки эффективности финансового контроля в Российской Федерации // Аудит и финансовый анализ. 2013. № 1. С. 8–13.
9. Маликов Т, Олимжонов О. Молия. Дарслик. – Т.: “Молия-иктисод”, 2019. - 804 б. Маликов Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Дарслик. – Т.: “Молия-иктисод”, 2021. - 462 б.
10. Джамалов Х., Бурханов У. Бюджетная система: пути совершенствования //Журнал налог-ка, 2000. №11, - .31

11. Хусанов Б. Системный подход к использованию элементов социального обеспечения //Iqtisodiyot: tahlillar va proqnozlar. №1 (12) январ-март 2021 йил. – Б.70-78.
12. Б.Турапов “Ўзбекистон республикасида давлат молиявий назоратини тақомиллаштириш”. 08.00.07-молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2023 й. 32 б.